

YURIDIK FANLAR AXBOROTNOMASI

ВЕСТНИК ЮРИДИЧЕСКИХ НАУК

REVIEW OF LAW SCIENCES

huquqiy ilmiy-amaliy jurnal

правовой научно-практический журнал

legal scientific-practical journal

2021/3



MUNDARIJA

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY
HUQUQ. MA'MURIY HUQUQ.
MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

5 **ЭРГАШЕВ ИКРОМ
АБДУРАСУЛОВИЧ**

Солиқ интизомини бузганлик учун
маъмурий жавобгарлик

12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI.
TADBIRKORLIK HUQUQI.
OILA HUQUQI.
XALQARO XUSUSIY HUQUQ

15 **БАБАЕВ ЖАҲОНГИР
ИСМОИЛБЕКОВИЧ**

Иш бажариш ва хизмат кўрсатиш
муносабатларида истеъмоличига
етказилган зарарни қоплаш
субъектларини аниқлаш масалалари

26 **ХУДАЙБЕРГЕНОВ БЕҲЗОД
БАХТИЁРОВИЧ**

Шарқда банкротлик элементларини
акс эттирувчи манбалар ва
уларнинг ҳуқуқий тавсифи

39 **БУРХАНОВА ЛЕЙЛА
МАРИУСОВНА**

Особенности правового регулирования
безвестного отсутствия физических лиц
по гражданскому праву Республики
Узбекистан: понятие и основания
установления факта безвестного
отсутствия

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI.
HUQUQBUZARLIKLARNING
OLDINI OLISH. KRIMINOLOGIYA.
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

52 **АНОРБОВЕВ МУРОДЖОН
РАХМАНКУЛ УГЛИ**

К вопросу об общественной опасности
и конструктивных особенностях
преступлений в виде вмешательства
в расследование или разрешение
судебных дел

12.00.09 – JINOYAT PROTSESSI.
KRIMINALISTIKA.
TEZKOR-QIDIRUV HUQUQ VA
SUD EKSPERTIZASI

- 63 **ЮГАЙ ЛЮДМИЛА ЮРЬЕВНА**
К вопросу обеспечения безопасности
биометрических данных в период
диджитализации общества

- 75 **ПРИМОВ БАХТИЁР ОЛИМ ЎҒЛИ**
Ўзбекистонда жиноят процесси
жараёнида техник воситалар ва
электрон далиллар имкониятларидан
фойдаланиш масалалари

12.00.10 – XALQARO HUQUQ

- 80 **ЙЎЛДОШЕВ АЗИЗЖОН
ЭРГАШ ЎҒЛИ**
Оммавий иштирок халқаро
стандартларининг ривожланиш
тенденциялари

12.00.11 – PARLAMENT HUQUQI

- 90 **ЮСУПОВ САРДОРБЕК
БАҲОДИРОВИЧ**
Давлат бюджети устидан парламент
назорати моҳияти: илмий-назарий
таҳлил

- 99 **АБДУКАДЫРОВ ДОНИЁР
ХУСАНОВИЧ**
Обзор организационно-
информационного и материально-
технического обеспечения
деятельности парламентов
Великобритании и Канады

13.00.02 – TA'LIM VA TARBIYA
NAZARIYASI VA METODIKASI
(SOHALAR BO'YICHA)

- 108 **PAULETTO CHRISTIAN Z.**
Language of the law as a foreign
language: the challenge for globalized
legal education and a few didactic tools

UDC: 342.531(042)(575.1)
ORCID: 0000-0002-8123-3927

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ МОҲИЯТИ: ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛ

Юсупов Сардорбек Баходирович,
Тошкент давлат юридик университети
«Маъмурий ва молия ҳуқуқи» кафедраси мудири,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),
e-mail: s.yusupov020@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада ҳокимиятлар бўлиниши тизимида парламент назорати институтининг моҳияти, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган. Парламент назоратининг асосий йўналиши сифатида давлат бюджети устидан назорат – мамлакатнинг молиявий асосини ташкил этувчи бюджет маблағлари сарфланишини назорат қилишга алоҳида ёндашилган. Давлат бюджети устидан назорат ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш, асосий молиявий ҳужжат бўлган Давлат бюджетини кўриб чиқиш, уни қабул қилиб, ижросини назорат қилишдир. Муаллиф парламент фаолиятининг асосий йўналиши сифатида давлат бюджети ижроси устидан парламент назорати, парламент ва унинг органларининг давлат бюджетини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш соҳаларида бюджет интизомига оғишмай риоя қилинишини таъминлашга қаратилган фаолиятни ўз нуқтаи назаридан ёритади. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг назорат функциялари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари асосида Вазирлар Маҳкамасининг тақдимида биноан Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, Қонунчилик палатаси томонидан давлат бюджети ижроси якунлари ҳақидаги Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботларининг кўриб чиқилиши, тегишли қарорлар қабул қилиниши, Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш, Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш мисолида ёритилади. Давлат бюджети устидан парламент молиявий назоратининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими орқали таҳлил қилинган. Муаллиф Давлат бюджети устидан парламентнинг молиявий назорат соҳасида илмий-назарий ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан амалий фикрларни илгари сурган.

Калит сўзлар: парламент назорати; парламент назорати объекти; Давлат бюджети устидан парламентнинг молиявий назорати; Ҳисоб палатаси; Давлат бюджети ижроси.

СУЩНОСТЬ ПАРЛАМЕНТСКОГО КОНТРОЛЯ ЗА ГОСУДАРСТВЕННЫМ БЮДЖЕТОМ: НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ

Юсупов Сардорбек Баходирович,
доктор философии по юридическим наукам (PhD),
заведующий кафедрой «Административное и финансовое право»
Ташкентского государственного юридического университета

Аннотация. В статье раскрыты сущность, значение и особенности института парламентского контроля в системе разделения властей. Основным направлением парламентского контроля является контроль над государственным бюджетом – особый

подход к контролю за расходованием бюджетных средств, составляющих финансовую основу страны. Контроль за государственным бюджетом заключается в обеспечении социально-экономического развития, рассмотрении Государственного бюджета, являющегося основным финансовым документом, принятии и контроле за его исполнением. Автор описывает со своей точки зрения парламентский контроль за исполнением государственного бюджета как основное направление парламентской деятельности, направленное на обеспечение неукоснительного соблюдения бюджетной дисциплины при формировании и эффективном использовании государственного бюджета парламентом и его бюджетом. В статье рассматриваются контрольные функции Олий Мажлиса Республики Узбекистан на основе Конституции и законов Республики Узбекистан: принятие Государственного бюджета по представлению Кабинета Министров и контроль за его исполнением, рассмотрение отчетов Кабинета Министров об итогах исполнения Государственного бюджета Законодательной палатой, принятии соответствующих решений, рассмотрении отчета Счетной палаты. В системе законодательства Республики Узбекистан проанализированы основные направления парламентского финансового контроля за Государственным бюджетом. Автор выдвигает научно-теоретические и практические идеи по совершенствованию законодательства в области парламентского финансового контроля за Государственным бюджетом.

Ключевые слова: парламентский контроль; объект парламентского контроля; парламентский финансовый контроль за Государственным бюджетом; Счетная палата; исполнение Государственного бюджета.

THE ESSENCE OF PARLIAMENTARY CONTROL OVER THE STATE BUDGET: SCIENTIFIC AND THEORETICAL ANALYSIS

Yusupov Sardorbek Bahodirovich,

Doctor of Philosophy (PhD),

Head of the Department of Administrative and Financial of law

Tashkent State University of Law

Abstract. This article describes the essence, significance and peculiarities of the institution of parliamentary control in the system of separation of powers. The main direction of parliamentary control is the control over the state budget - a special approach to controlling the expenditure of budget funds, which form the financial basis of the country. Control over the state budget is to ensure socio-economic development, consideration of the State Budget, which is the main financial document, its adoption and control over its implementation. The author describes from his point of view the parliamentary control over the execution of the state budget as the main direction of parliamentary activity, aimed at ensuring the strict observance of budget discipline in the formation and effective use of the state budget by the parliament and its bodies. The article considers the control functions of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan on the basis of the Constitution and laws of the Republic of Uzbekistan: adoption of the State Budget on the proposal of the Cabinet of Ministers and control over its execution, consideration of reports of the Cabinet of Ministers on the results of execution of the state budget by the Legislative Chamber, adoption of relevant decisions, consideration of the report of the Accounts Chamber. The main directions of parliamentary financial control over the state budget are analyzed through the legislative system of the Republic of Uzbekistan. The author puts forward scientific and theoretical and practical ideas for improving the legislation in the field of parliamentary financial control over the state budget.

Keywords: parliamentary control; object of parliamentary control; parliamentary financial control over the State budget; Chamber of Accounts; execution of the State budget.

Кириш

Давлат бюджети маблағлари сарфла- нишини назорат қилиш ҳар қандай дав- латнинг энг муҳим вазифаси, унинг мурак- каб молиявий механизмининг ажралмас қисмидир. Давлат маблағларидан мақсад- ли ва самарали фойдаланишгина барқарор ҳаёт, жамиятнинг изчил ривожланиши ҳамда давлат ва унинг фуқаролари фаро- вонлигини таъминлайди.

Парламент назорати институти ту- шунчасига ёндашувлар

Маълумки, молия соҳасида давлат на- зорат органларига эга бўлмаган иқтисо- дий жиҳатдан ривожланган бирорта ҳам мамлакат йўқ ва жаҳон амалиёти томони- дан ишлаб чиқилган давлат назорати соҳа- сидаги умумий тамойилларга қонунийлик, холислик, мустақиллик ва ошкоралик ки- ради.

Парламентнинг давлат ҳокимияти ти- зимидаги ўрни ва роли унинг фаолият йўналишлари билан белгиланади. Парла- ментнинг вазифа ва функциялари бўйича ҳуқуқшунос олимлар асарларида турли ёндашувлар мавжуд. Мазкур масалалар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган проф. Р. Ҳакимовнинг фикрича, “парла- мент функцияси – бу унинг моҳият-хусу- сиятларини ифодаловчи фаолиятининг мазмуни ва шакли бўлиб, парламент ва- киллик, қонунчилик ва назорат функ- цияларига эга”. Россиялик тадқиқотчи Б. Адуичева парламент функцияларини қонунчилик, вакиллик, молиявий-бюд- жет, таъсис этувчи ва назоратга ажратади. Ҳуқуқшунос олим Ш. Зулфиқоров қонун ижодкорлиги, вакиллик, ҳукумат фаолият- и устидан назорат, давлат органларини шакллантиришда иштирок этиш, халқаро шартномаларни ратификация ва денон- сация қилиш, бюджетни қабул қилиш ва назорат қилиш каби парламентнинг бир қатор функцияларини кўрсатиб ўтади.

Бизнинг фикримизча, парламент фа- олиятининг ажралмас қисми бўлган на-

зорат функцияси парламентаризм қарор топишининг асосий кафолати саналади. Бунда юқорида келтирилган муаллифлар ёндашувларида парламентнинг молия- бюджет ва назорат функциялари алоҳида аҳамиятга эга. Давлат бюджети устидан парламентнинг молиявий назорат вази- фаси аҳамияти ва методологик асослари- ни тадқиқ этиш, авваламбор, парламент назоратининг моҳиятини очишни тақозо қилади.

М. Миракуловнинг таърифи бўйича эса, парламент назорати нафақат қонунлар ижроси устидан, балки қониқарсиз, сама- расиз, малакасиз фаолият, ўзбошимчалик, баъзи мансабдорларнинг хулқ-атвори, су- иистеъмолчиликлари, етказган зарарла- ри, коррупция ҳоллари кузатилганда, халқ бевосита ёки ўз вакиллари орқали назорат ўтказиш талабини илгари сурганда ҳам амалга оширилади [1].

Академик А. Саидов томонидан парла- мент назоратига “қонун чиқарувчи ҳоки- мият томонидан амалдаги қонунларнинг самарали ижро этилиши учун доимий мо- ниторинг қилиш, ижро ҳокимияти орган- лари фаолиятининг қонунчилик ва норма- ларга мувофиқлигини текшириш, шунинг- дек, текширувлар натижасида аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф қилиш ва олдини олишга қаратилган турли ком- плекс чора-тадбирлар” дея таъриф бери- лади [2].

Ш. Зулфиқоровнинг фикрича, парла- мент назорати – бу мустақил ва қонуний, тизимли вакиллик органи фаолияти бўлиб, унинг палаталари, қўмита ва комиссия- лари, палата аъзоларининг ижро ҳокими- яти ва бошқа давлат органлари ҳамда хў- жалик бошқарув органларининг инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинлик- лари, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига риоя қилинишини таъ- минлаш ҳамда конституциявий ва жорий қонунлар ижросини назорат қилиш фао- лияти ҳисобланади [3].

Россиялик ҳуқуқшунос олима Т.Хабриеванинг фикрича, парламент назорати “биринчидан, бу регламентацион даражадаги ҳуқуқни амалга ошириш ҳуқуқий тадбиридир. Иккинчидан, парламент назоратини амалга ошириш асослари, тартиблари ва шакллари қонун билан белгилаб қўйилади. Учунчидан, парламент назорати ижро ҳокимияти органлари фаолиятини текшириш мақсадидаги давлат ҳокимияти органлари мувозанатини таъминловчи ҳамда чекловлар ва қарама-қаршиликлар тизимининг ҳуқуқий элементиدير” [4]. А.Д. Керимовнинг фикрича, парламент назорати, аввало, маъмуриятнинг давлатдаги ҳокимияти амалда бутунлай, чекланмаган тарзда эгаллаб олиниши, демократик институтлар фаолияти йўққа чиқариб юборилишига йўл қўймаслк учун зарурдир [5].

М.М. Утяшев ва А.А. Корнилаева парламент назоратига қуйидагича таъриф беради: “Давлат фаолиятини олий қонунчилик (вакиллик) органи томонидан доимий назорат қилиш ва текшириш, шунингдек, натижада аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш бўйича амалга ошириладиган турли чора-тадбирлар мажмуидир». Б. Страшун ва В. Рыжовнинг фикрига кўра, парламент назорати институти объекти сифатида кўп ҳолатда ижро ҳокимияти майдонга чиқади. Айрим вазиятларда парламент назорати давлат раҳбари, суд ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият органларига нисбатан қўлланилиши мумкин. Парламент назорати институти ҳукуматга нисбатан сиёсий, бошқа давлат органларига эса ҳуқуқий жиҳатдан амалга оширилади [6].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, парламент назоратининг асосий объекти ижро ҳокимиятининг фаолияти саналади. Ўз навбатида, ижро ҳокимияти бюджет, молия, пул-кредит сиёсати соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди. Масалан, “Ўзбекистон Рес-

публикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонунда Вазирлар Маҳкамасининг бюджет, молия, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги ваколатларига Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, республикани иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожлантириш прогнозлари ва энг муҳим дастурларини инобатга олган ҳолда, солиқ ҳамда бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ишлаб чиқирилиши ва бажарилишини ташкил этиш кабилар киритилган.

Материал ва методлар

Услубий жиҳатдан бу ишда тадқиқот кўриб чиқиладиган ҳодиса ва жараёнларни уларнинг ривожланишида, ўзаро таъсирида ва бир-бирига қарама-қаршилиқда таҳлил қилиш имконини берувчи диалектик метод асосида олиб борилади. Ишда тизимли усулдан фаол фойдаланилиб, унинг асосида парламент молиявий назоратини шакллантириш ва ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ҳар томонлама таҳлил қилинмоқда.

Тадқиқот натижалари

Юқорида келтирилган таърифларда парламент назоратининг давлат ҳокимиятидаги ўрни ва роли ҳамда мазмуни ва умумий жиҳатлари акс этган. Парламентнинг молиявий назорат фаолияти, унинг асосий мақсади, объекти ҳамда аҳамиятини қуйида тўлиқ ёритиб ўтамыз.

Давлат бюджети – парламент назоратининг асосий йўналиши сифатида

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига 2014 йилда киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ижро ҳокимияти фаолияти устидан қонун чиқарувчи олий орган ва ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини кучайтириш, шунингдек, ҳукуматнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини

рўёбга чиқариш борасидаги масъулиятини оширишга хизмат қилди. Илк маротаба Конституцияда “парламент назорати” тушунчаси мустақамланиши Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги қонуни қабул қилинишига ҳуқуқий асос бўлди. Мазкур қонунда парламентнинг давлат бюджети ижроси боришини кўриб чиқиш ваколатлари мустақамланди.

Парламент назоратининг асосий йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин: конституция ва қонунлар, парламент қарорлари ҳамда давлат бошлиғи қарорлари юзасидан давлат дастурларини ижро этиш юзасидан; инсон ҳуқуқлари ва эркинларига риоя қилиш бўйича; мудофаа ва хавфсизлик бўйича; давлат бюджети ижроси юзасидан; давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларини шакллантириш юзасидан назорат; ташқи сиёсий фаолият юзасидан назорат.

Кўриниб турибдики, тадқиқот асосини ташкил этувчи давлат бюджети устидан парламент назорати унинг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, давлат бюджети – давлатнинг муайян вақт учун мўлжалланган пул даромадлари ва харажатлари йиғиндиси ҳисобланади. Давлат бюджети давлат ихтиёридаги пул фондларининг тақсимланишини билдириб, у давлат молиясининг асосий бўғинидир. Давлат бюджети мамлакат молия тизимининг таркибий қисмидан иборат бўлиб, шунга мос равишда у молия тизимига тегишли бўлган барча белги (хусусият)ларга эга ва унга тегишли бўлган ҳамма функцияни бажаради.

Парламент назоратининг асосий йўналишларидан бири бу ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш, асосий молиявий ҳужжат бўлган Давлат бюджетини кўриб чиқиш, уни қабул қилиб, ижросини назорат қилишдир. Парламент фаолиятининг асосий йўналиши сифатида Давлат бюджети ижроси устидан

парламент назорати парламент ва унинг органларининг давлат бюджетини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш соҳаларида бюджет интизомига оғишмай риоя қилинишини таъминлашга қаратилган фаолияти тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг назорат функциялари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустақамлаб қўйилган бўлиб, қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

– Вазирлар Маҳкамасининг тақдимида биноан, Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 78-модда);

– Қонунчилик палатаси томонидан давлат бюджетининг ижроси яқунлари ҳақидаги Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботларининг кўриб чиқилиши ва тегишли қарорлар қабул қилиниши (“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонуни, 31-модда);

– Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 78-модда);

– Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш (“Ўзбекистон Республикасининг Парламент назорати тўғрисида”ги қонуни, 7-модда).

Таъкидлаш жоизки, давлат бюджети ижроси устидан парламент назоратини амалга оширишда Ҳисоб палатаси муҳим ўрин тутди. Ҳисоб палатасининг фаолияти давлат бюджетининг ижроси, давлат активлари ва пассивларининг ҳолати ҳамда ҳаракати, қимматбаҳо металллар ва тошлар билан операциялар амалга оширилиши, олтин-валюта захираларини бошқариш, хорижий капитални республика иқтисодиётига жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш, давлатнинг ташқи қарзи ўз вақтида қайтарилиши доимий мониторинги ва назоратини таъминлашга қаратилган. Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Президенти ва

Олий Мажлис палаталарига ҳисобот беради ҳамда баҳо беришда мустақил ва холис орган ҳисобланади. Бундан ташқари, мамлакат солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, навбатдаги йил учун давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари Ҳисоб палатасининг хулосаси билан Олий Мажлисга киритилади. Шунингдек, давлат бюджетининг ижроси бўйича ҳар йилги ҳисобот Ҳисоб палатаси томонидан ташқи аудит ва баҳолаш ўтказилганидан сўнг Олий Мажлисга тасдиқлаш учун тақдим этилади. Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилсак, давлат бюджети ижроси устидан парламент назоратини амалга оширишда Ҳисоб палатаси (Австрия, Германия, Испания, Франция), Бош ҳисобот бошқармаси (АҚШ), Бош аудит идораси (Канада, Швеция), Давлат ҳисобот қўмитаси (Буюк Британия), Ҳисобот суди (Бразилия, Руминия, Португалия, Туркия) каби парламент томонидан шакллантириладиган махсус молиявий назорат органлари катта ўрин тутати [7].

И.Эргашевнинг фикрича, “мамлакатимизда давлат бюджети ижроси устидан парламент назоратини амалга оширишнинг қуйидаги уч шакли мавжуд: – дастлабки назорат – навбатдаги молиявий йил учун давлат бюджетини муҳокама қилиш ва қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; – жорий назорат – давлат бюджетининг муайян вақт мобайнидаги ёки унинг маълум қисми ижросини тақдим этилган ҳисоботлар асосида, шунингдек, парламент сўрови муносабати билан муҳокама қилиш; – якуний назорат – давлат бюджетининг молиявий йил мобайнидаги ижроси ҳақидаги ҳисоботни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. Давлат бюджети ижросини дастлабки, жорий ва якуний назорат қилишда парламент палаталарининг қўмиталари муҳим ўрин тутати. Давлат бюджетини ижроси устидан дастлабки парламент назорати давлат бюджети лойиҳасини

кўриб чиқиш ва қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда намоён бўлади [8].

Қонунчилик таҳлили

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Бюджет кодексига асосан, навбатдаги молия йили учун давлат бюджети лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис палаталарига Ҳисоб палатасининг хулосаси билан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай киритилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасига асосан, давлат бюджети лойиҳаси дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатаси Спикери томонидан масъул қўмига, фракцияларга топширилади. Масъул қўмига барча фракциялар, манфаатдор ташкилотлар ҳамда экспертлар гуруҳларидан фикрлар ва таклифларни тўплаб, давлат бюджети лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқади. Давлат бюджети лойиҳасига доир материаллар депутатларга олдиндан, мазкур лойиҳа Қонунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқилгунига қадар юборилади. Давлат бюджети лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилиш Молия вазири ёки унинг вазифасини бажарувчи шахснинг маърузаси билан бошланади. Бу маърузадан сўнг масъул қўмитанинг вакили сўзга чиқади. Бунда масъул қўмитанинг вакили фракцияларнинг давлат бюджети лойиҳаси бўйича фикрлари ва таклифларини депутатларга етказиши лозим. Мазкур фикр ва таклифлар ҳисобга олиниши шарт. Давлат бюджети лойиҳаси бўйича Қонунчилик палатасининг мулоҳазалари ва таклифлари уч кун ичида Вазирлар Маҳкамасига юборилади. Вазирлар Маҳкамаси ўн тўрт кун ичида Қонунчилик пала-

тасининг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда, лойиҳани маромига етказди ҳамда Қонунчилик палатасига қайтаради. Давлат бюджети лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан жорий йилнинг 15 ноябридан кечиктирмай кўриб чиқиши керак.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган давлат бюджети қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида кўриб чиқиш учун Сенатга юборилади. Сенатга юборилган давлат бюджети Сенатнинг масъул қўмитаси, яъни Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилад ва хулоса тайёрланади. Давлат бюджетининг Сенат мажлисидаги муҳокамаси ҳам Молия вазирлиги ёки унинг вазифасини бажарувчи шахснинг маърузаси билан бошланади. Давлат бюджети бўйича қарор Сенат томонидан жорий йилнинг 15 декабридан кечиктирмай қабул қилинади. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддасига мувофиқ, Қонунчилик палатаси давлат бюджетининг ижроси устидан назоратни амалга оширади. Молия вазирлиги йилнинг ҳар чорагида Қонунчилик палатасига давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги ахборот ва зарур материалларни юборади. Қонунчилик палатаси давлат бюджетининг йилнинг ҳар чорагидаги ижросини кўриб чиқади. Уни кўриб чиқиш вақтида Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, масъул қўмитанинг хулосаси, фракцияларнинг фикрлари ва таклифлари эшитилад, муҳокама ўтказилад ва қарор қабул қилинади. Шунингдек, Бюджет кодексининг 167-моддасига биноан, Вазирлар Маҳкамаси давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Ҳисоб палатасининг хулосаси билан бирга ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай Қонун-

чилик палатасига тақдим этади. Қонунчилик палатаси ушбу ҳисоботни Қонунчилик палатасининг сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари ва қўмиталарида муҳокама қилиш асосида кўриб чиқади. Ҳисобот сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари ва қўмиталарда кўриб чиқилгандан сўнг Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилад ҳамда палатанинг қарори билан тасдиқланади. Шундан сўнг ҳисобот йили учун давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ахборот Молия вазирлигининг расмий сайтига жойлаштирилади (Бюджет кодексининг 169-моддаси).

Қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар

Давлат бюджети ижросининг парламент томонидан назорат қилинишига оид қонунлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларда бюджет ижроси устидан парламент назоратининг мақсад ва вазифалари, бошқа органлар назоратидан фарқли жиҳатлари, парламент назоратини амалга ошириш механизми етарли даражада акс эттирилмаган. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонунда давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш тартиби берилмаган. Фикримизча, қонундаги ушбу бўшлиқ ҳам тўлдирилиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, парламент давлат бюджети устидан парламент назоратига қуйидаги муаллифлик таърифи берилади: *давлат бюджети устидан парламент назорати – бу парламент томонидан ижро ҳокимияти органлари ҳамда мансабдор шахслар томонидан бюджет тўғрисидаги қонунларнинг тўлиқ ижро этилишини назорат қилиш, шунингдек, ушбу назорат натижасида қонунлар ижросига тўсиқ бўлган ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этувчи чора-тадбирлар қўллаш орқали доимий амалга ошириладиган назоратдир.*

Хулосалар

Давлат бюджети маблағлари сарфланишини назорат қилиш молиявий механизмнинг ажралмас қисми бўлиб, молия соҳасида давлат назорат органларига эга бўлмаган иқтисодий жиҳатдан ривожланган

бирорта ҳам мамлакат йўқ. Шу боис мамлакатимизда давлат бюджети устидан парламент назоратининг назарий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш ҳамда бу борада парламент назоратининг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

REFERENCES

1. Mirakulov M. Parlament va jamoatchilik nazorati: uning mohiyati va ahamiyati [Parliamentary and public control: its essence and significance]. Huquq va burch – Law and duty, 2006, no. 2, p. 28.
2. Saidov A. K teorii parlamentskogo kontrolya. Parlament nazorati nazariya va amaliyot masalalari Ilmiy-amaliy seminar materiallari to'plami [On the theory of parliamentary control. Proceedings of the Scientific-Practical Seminar on the Theory and Practice of Parliamentary Oversight]. Tashkent, pp. 23-26.
3. Zulfiqorov Sh. Parlament faoliyati samaradorligini oshirishning ilmiy-amaliy jihatlarlari [Scientific and practical aspects of improving the efficiency of parliamentary activities]. Jamiyat va innovasiyalar – Society and Innovation, 2021, no. 2, pp. 366-373.
4. Osnovy parlamentskogo prava. Pod red. T.Ya. Xabrievoj [Fundamentals of parliamentary law. Ed. T.Ya. Khabrieva]. Moscow, Publishing house of the State Duma, 2006, p. 224.
5. Zulfiqorov Sh. O'zbekistonda parlament nazorati shakllaridan samarali foydalanish tartibining huquqiy jihatlarlari [Legal aspects of the effective use of parliamentary control in Uzbekistan]. O'zbekiston qonunchiligi tahlili – Analysis of the legislation of Uzbekistan, 2019, no. 2, p. 9.
6. Kontrol'nye funkcii regional'nyh parlamentov: sravnitel'nyy analiz [Control functions of regional parliaments: comparative analysis]. Pravo i politika – Law and Politics, 2001, no. 1, p. 30.
7. Davlat byudjeti: uning ijrosi ustidan parlament nazorati [State budget: parliamentary control over its execution]. Available at: <https://www.s3.amazonaws.com/rgi-documents/18abe906c4126fb2937525629c3a89961e4c2e98.pdf/>.
8. Davlat byudjeti: uning ijrosi ustidan parlament nazorati [State budget: parliamentary control over its execution]. Available at: <https://www.s3.amazonaws.com/rgi-documents/18abe906c4126fb2937525629c3a89961e4c2e98.pdf/>.
9. Yusupov S. Improving the legal framework for the implementation of legal policy by local authorities on the ground. Review of law sciences, 2020, vol. 4, no. 1, p. 27.
10. Yusupov S.B. Covid-19 pandemiyasi davrida davlat byudjeti ustidan parlament nazoratini amalga oshirishning tashkiliy-huquqiy asoslari [Organizational and legal basis for parliamentary control over the state budget during the Covid-19 pandemic]. Yurisprudensiya – Jurisprudence, 2021, vol. 2, no. 1.
11. Yusupov S.B. Formation and development trends of parliamentary control over the state budget. International scientific and current research conferences, 2021, pp. 169-174.
12. Yakubov S. Significance And Necessity Of Digitalization Of Citizens' Control Over The Activities Of State Bodies. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 2021, vol. 3, no. 03, pp. 115-123.
13. Yakubov Sh.U. Digitalization of public control. Psychology and education, 2021, no. 58 (2), pp. 1346-1352. DOI: <https://doi.org/10.17762/pae.v58i2.2281/>.

14. Yusupov S.B. Sovershenstvovanie organizacionno-pravovih osnov osushhestvleniya pravovoy politiki so storony gosudarstvennyh organov na mestah [Improvement of the organizational and legal framework for the implementation of legal policy by state bodies at the local level]. Review of law sciences, 2020, no. 4.

15. United States Government, 2020. About the Pandemic Response Accountability Committee. Available at: <https://www.pandemic.oversight.gov/about/>.

16. The Storting constitutes coronavirus special committee. Available at: <https://www.stortinget.no/en/In-English/About-the-Storting/News-archive/Front-page-news/2019-2020/the-storting-constitutes-coronavirus-special-committee/> (accessed 27.07.2020).